ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 152 (10.457) / 2005 ЙИЛ 5 АВГУСТ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликларида «Терроризм — жамият барқарорлигига таҳдид» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Бектемир туман Марказий кутубхонасида «Маърифат» маҳалласи фаоллари, китобхонлар иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Табиат бизнинг дўстимиз, уни авайлаб-асрайлик» деб номланди.

● **КЕЧА** «Оқтепа» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат тиббиёт-педиатрия институти ҳамкорликларида беморга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш амалиёти бўйича машғулот ўтказилди.

● **ЎТГАН** куни Юнус Ражабий маҳалласида бўлиб ўтган «Ёшлик сайли» тадбири «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат санъат институти ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон - Либерал демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ёзги таътилда Тошкент Давлат архитектура ва қурилиш институти талабаларидан ташкил этилган қурилиш отряди аъзоларига архитектура соҳасига оид қўшимча дарслар ўтказилмоқда.

● **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Бектемир туман Кенгаши қошидаги ёшлар марказида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ташаббуси билан инглиз, немис тили бўйича дарслар ташкил этилди. **БУГУН** ёшлар немис тилидан сабоқ оладилар.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

Истиқлолимиз шарофати билан пойтахтимиз — азим Тошкент йил сайин ўзгача касб этмоқда. Тобора ўзгариб, гўзаллашиб бораётган она шаҳримизда қўли гул бунёдкорларимиз муҳташам иншоотлар, кенг ва равон кўчалар, мустаҳкам кўприкларни қуриб битказмоқдалар. Равон йўлларимизда ҳаракатланаётган кўркам, ҳашаматли автомобиллар кўрган кўзларни қувнатади ҳамда уларнинг ҳаракати бир зум тинмайди.



**СУРАТДА: Сергели тумани ҳудудида— Усмон Носир кўчаси билан Тошкент Ҳалқа йўлининг 61-километрида бунёд этилаётган улкан кўприк қурилиши ҳамда йўлларни таъмирлаш ишларида ёрдамчи пудратчи ташкилот — «Тошшаҳарнур» корхонасининг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари навбатдаги иш режасини тузишмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

# ҲАЁТГА ҲУҚУҚ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

## Ўзбекистон Президентининг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Фармонига хорижий баҳолар хусусида

Лувен католик университети ҳузуридаги Европа сиёсати институти департаментининг директори, ҳуқуқшунослик ва сиёсатшунослик профессори К.Малфит (Бельгия) Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонини шарҳлар экан, қуйидагиларни қайд этади:

«Ўзбекистон Республикаси мазкур қарори билан ўзининг ҳуқуқий тизимини либераллаштириш ва мамлакатда қонун устуворлигини тасдиқлаш йўлида муҳим қадам ташлади. Мазкур Фармонни қабул қилган ҳолда Ўзбекистон ўлим жазосига ўз муносабатини билдириб, халқаро ва Европа ҳамжамиятига қўшилди. БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро конвенцияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси ўлим жазосини истисносиз равишда ҳар бир инсоннинг яшаш учун бўлган фундаментал ҳуқуқига зид деб билади.

Одамлар террористик хавф-хатар муҳитида яшаётган бир шарт-шароитда аҳолини қабул қилинган қарорнинг тўғрилигига ишонтириш мутлақо оддий иш эмаслигини биламиз. Бу қарор инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва Европа андозаларига тўла мос келади.

Бу чора биз Ўзбекистонда кузатаётган бошқа қонунчилик ва институционал ислоҳотлар, яъни судлар тўғрисидаги қонунлар, жиноят кодекси ва жиноят-профессуал қонунчиликка ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, прокуратура тизимидаги ислоҳотлар билан ҳамоҳангдир. Биз Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг мамлакат қонунчилик асосларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва Европа андозаларига мос равишда такомиллаштиришга бўлган самимий истакларига ишонамиз».

«Скотленд Ярд» (Буюк Британия) вакили М.Митчелл ўлим жазоси бекор қилингани тўғрисидаги қарорни шарҳлар экан, Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати либераллаштириш жараёнларини амалга ошириш борасида катта ишлар олиб бораётганини қайд этади.

«Европа — Берлин дўстлик жамияти»нинг раиси В.Фурман (ГФР) Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, жумладан, суд-ҳуқуқий ва маъмурий тизимдаги ислоҳотлар рўёбга чиқарилаётганини қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Бу ўзгаришлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳаларини ҳам янада ривожланишини таъминлашга қаратилгандир. Шу маънода ўлим жазосининг бекор қилиниши Ўзбекистон раҳбариятининг муҳим қадами ҳисобланади.

Стратегик Осиё тадқиқотлари халқаро институти (Голландия) етакчи ходими П.Аминнинг фикр билдиришича, XXI асрда замонавий ижтимоий муносабатлар учун шарт-шароитлар яратмай туриб демократлаштириш жараёнларини амалга ошириб бўлмайди. Ўлим жазосининг бекор қилиниши замонавий инсонпарварлик қадриятларига асосланган жамият барпо этиш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

**«Жаҳон» АА.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё вилоят филиалига Президент совғаси — 10 та янги «Дамас» автомобили топширилди.**

● **«Ўзэкспомарказ»да Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон савдо-саноат палатаси томонидан илк бор ташкил этилган кўргазмали семинарда солиқ тизимини бошқаришнинг долзарб йўналишлари муҳокама қилинди.**

● **Ўзбекистон Бадиий академиясининг Халқаро маданият карвонсаройида мамлакат рассомларининг «Фикр» номли кўргазмаси очилди.**

●**Гидрогеология ва муҳандислик геологияси илмий-текшириш институти томонидан ер ости сувларини нефть чиқиндиларидан тозалашнинг технологияси ишлаб чиқилди. Мазкур технология асосида тегишли анжомлар ёрдамида ер ости сувлари таркибидан ажратиладиган нефть чиқиндиларидан иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланилади.**

● **Каттақўрғон шаҳрида санитар-тозалаш ва ободонлаштириш ойлиги бошланди. Байрамолди кунларида бу ерда ҳар жума санитар куни деб эълон қилинди. Унда корхона ва ташкилотлар жамоаси ҳашарлар ташкил этишиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан шуғулланадилар.**

● **Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Йўлдошбой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бир кеча-кундузда 10 тонна сувни тозалаш қувватига эга сув тозалаш иншооти фойдаланишга топширилди.**

### Жаҳонда

● **Лондон ва Мадриддаги террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Европа Иттифоқи 2007 йилдан бошлаб транспортда террорга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш учун йиллик харажатларни 250 миллион еврога етказиш тўғрисида қарор қабул қилди.**

● **Мавританияда ҳарбий тўнтарилиш содир этилди. Ҳозирда ҳукумат бошқарувини Адолат ва демократия ҳарбий кенгаши бошлиғи полковник Али Улд Муҳаммад Вал ўз қўлига олган.**

● **«Ал-Қоида» халқаро террорчилик ташкилоти раҳбари Усама бин Лодиннинг яқинда Саудия Арабистонида амалга оширилган террорчилик ҳаракатларида қўли борлиги аниқланди.**

● **Исроил ва Миср Ғазо сектори билан чегарада 750 нафар мисрлик чегарачиларни жойлаштириш тўғрисида келишиб олдилар.**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

# ФРАКЦИЯЛАРНИНГ ЙИҒИЛИШИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармонининг ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд ва Адлия вазирлиги, шунингдек, «Нуроний» ҳамда «Маҳалла» жамғармалари масъул ходимлари ҳам иштирок этди.**

Йиғилишда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноий, жиноий-процессуал қонунчилик, жиноий жазо тизимини босқичма-босқич, изчиллик билан эркинлаштириш борасидаги муҳим қадам бўлган ушбу Фармон катта аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Президентимизнинг ушбу Фармони ўзбек халқи жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича танлаган йўлига содиқлигининг яна бир бор исботи бўлганини алоҳида таъкидладилар.

Йиғилишда мазкур Фармон қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тегишли таклифларни тайёрлаш бўйича фракция аъзоларидан иборат махсус ишчи гуруҳини ташкил этиш, шунингдек, бу масала бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш ҳақида қарор қабул қилинди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши ҳам ана шу масалага бағишланди. Унда қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг маърузаси тингланди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш изчил давом эттирилмоқда. Бу жараёнда жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизими либераллаштирилаётир. «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги қонунларга, бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифланиши ўзгартирилди. Ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати қисқартирилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Жиноий жазолар тизимини либераллаштиришга қаратилган бошқа бир қанча дастурий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Ўлим жазосини қўллаш соҳасининг босқичма-босқич камайиб бораётганлиги мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди. Юртимиз мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ моддани ўз ичига олар эди. Ҳозир эса фақат икки турдаги жиноят — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган, холос. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бутунлай бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилади.

Йиғилишда фракциянинг Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб амалга ошírадиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

* * *

Мазкур масала шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партияси фракциясининг йиғилишида ҳам муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

*Тадбиркорга — омад ёр*

# ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

**Ҳаддан зиёд безак маҳсулотнинг чиройини эмас, балки бачканалигини оширади. Шу боис ҳам ҳамма нарсанинг ўз ўрнида бўлгани яхши. «ЎЗКАЙНАК ЛТД» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси мебелсозлари ҳам меъёрни яхши билишади, сифатга доимо эътибор қаратишади. Шунинг учун ҳам корхона маҳсулотлари нафақат хорижникидан қолишмайди, балки тенгмаға рақобатлаша олади.**



— Ўзбекистон — ота юртим, — дейди корхона бош директори Йилдиз Мевлют, — унинг мустақилликка эришуви дилимга кўп қувонч бағишлади ва қардошларимга кўмакка ундади. Бу ҳақиқатан ҳам отабоболарим юртига бўлган меҳр туйғуси эди. Шу боис ҳам 1995 йилда тадбиркорларга яратилган имкониятлар асосида туркиялик ва ўзбекистонлик дўстларим билан ушбу корхонани ташкил этдик. Асосий мақсадимиз аввало ички бозорни рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, нисбатан арзон мебель маҳсулотлари билан таъминлаш эди. Бунинг учун Туркиядан жиҳоз ва ускуналар келтирилди. Мана, орадан ўн йил ўтган бўлса, ишимизда муваффақиятлар ҳам, қийинчиликлар ҳам бўлди. Тадбиркор сифатида муваффақиятлардан руҳланаман, қийинчиликларни эса бардош, ташаббус, маҳорат



билан енгишга интиламан. Ҳар доим ишлаб чиқаришда сифатни биринчи ўринга қўямиз, ана шу муваффақиятларимиз гарови, бозордаги ўрнимиз, харидорларимиз сафи ортишига заминдир.

Корхона раҳбари 40 йиллик тажрибага эга бўлган дизайнер саналади. Ана шунинг учун ҳам ўтган ўн йил давомида мебель маҳсулотлари тури 350 хилдан ортиб кетди. Булар офис, идора, уй-жиҳоз мебеллари бўлиб, буюртмачиларга етказиб берилади ҳамда корхонанинг фирма дўкони орқали харидорга сотилади. Ҳақиқатан ҳам янги дизайндаги офис ва идора мебеллари нафақат кўриниши, балки ҳар қандай хонанинг чиройи ва шинамлигини таъминлаши билан ажралиб туради. Бозорга, харидор талаб ва эҳтиёжига кўра мебель турларининг янгилаб борилиши эса изланишдан дарак, ривожланиш омили.

Аввалига фақат юмшоқ мебеллар ишлаб чиқарилган корхона цехларида ҳозирги кунда тайёрланаётган ётоқхона ва меҳмонхона мебеллар тўпламлари турлари ортиб бормоқда. Жорий йилда эса 10 турдаги офис, 5 хил меҳмонхона ва ётоқхона мебелларининг яратилиши бунинг далилидир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, жорий йил бошида корхона янги бино сотиб олиб ўз цехларига эга бўлди. Мебеллар ишлаб чиқариш бўйича тендер савдоларида иштирок этиб, ғолибликни ҳам қўлга киритди. Ҳозир Москвада ўтказиладиган юмшоқ мебеллар тендерида иштирок этишмоқда. Республика Давлат божхона қўмитасининг тендерида ҳам қатнашишмоқда. Албатта, ушбу тендерлардаги муваффақият ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида муҳим омил бўлиши ҳам эътиборга олинган. Шу боис сифат —маҳсулотнинг бош мезони эканлиги унутилмайди. Республикамизда анъанавий тарзда ўтказиладиган «Ташаббус» кўриктанловлари ва ярмаркаларадаги иштироки ҳам корхона тадбиркорларини элга танитмоқда, буюртмалар ошишида ҳисса бўлмоқда. Лекин энг муҳими, меҳнат ва изланиш эканлигини улар жуда яхши англашади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бозор шароитида сифатли маҳсулот тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Албатта, рақобатга чидаш учун сифатли хом ашё, замонавий линиялар катта аҳамият касб этади. Шу боис ҳам тадбиркор раҳбар бир йўла 5 та ишни уддалайдиган янги дастгоҳ келтиришни режалаштирган.

— Агарда ишлаб чиқарувчи тадбиркорга ўз корхонасига маҳсулот тайёрлаш учун четдан олиб келинаётган хом ашёга божхона тўловлари маълум миқдорда камайтирилса, бу импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулот таннархининг пасайишида, экспорт ҳажмининг ортишида муҳим аҳамият касб этади, — дейди Йилдиз Мевлют. —Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган ойда тадбиркорликка оид имзолаган бир қатор Фармон ва Қарорлари биз учун ҳам айни муддао бўлди. Очиғини айтиш керак, текширувлар жуда кўп эди, аралашувлар ҳам асабингизга тегиб, асосий ишдан чалғитарди, ҳафсалангизни пир этарди. Ана шуларга чек қўйилди, қоғозбозлик камайди, кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови жорий этилиши, уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилиниши жуда катта аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, буларни ҳаётга татбиқ этиш тадбиркор учун катта имтиёз, ҳуқуқий ҳимоядир. Насиб этса, уларнинг самарасини биргаликда кўрамиз, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириб, иқтисодиёти ривожига, экспорт ҳажми ортишига ҳисса қўшиш ниятидамиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: дурадгор Тоир Дўсматов; мебель йиғувчи Владимир Ипполитов ёш шогирди Асқар Муллажоновга ёғочга ишлов бериш сирларини ўргатмоқда; корхона мебеллари.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**





# МАХСУС КРЕДИТ ИТТИФОҚИ

**Тадбиркор ва ишбилармон аёллар жамоат бирлашмаси томонидан пойтахтдаги тадбиркор аёллар учун тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган янги Қонун ва қарорларни мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда турли ҳисоботларни юритиш бўйича ўқув семинари ташкил этилди.**

Тошкент шаҳар тадбиркор ва ишбилармон аёллар жамоат бирлашмаси ўз атрофига кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёлларни тўплаш ва уларга ҳар томонлама кўмак беришни мақсад қилиб қўйган. Маълум бўлишича, аёл тадбиркорларнинг аксарияти бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни юритишда бир қатор қийинчиликларга дуч келишар экан. Мазкур семинарда шу каби қийинчиликларга дуч келаётган аёлларга тушунчалар берилди. Шунингдек, азалдан ўзининг тадбиркорлиги, оқилалиги билан шуҳрат қозонган ўзбек аёларининг ишбилармон доиралари ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган тадбиркорлик тўғрисидаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларини ҳам муҳокама қилишди.

Молиявий жараёнларни амалга оширишга қийналадиган, кичик корхона очиб уни ривожлантиришга лаёқати бор-у, аммо қўлида етарли сармояси йўқ ёки бўлмаса кредит олиб, касодга учраган тадбиркор аёлларни ҳимоя қилиш мақсадида Тошкент шаҳар тадбиркор ва ишбилармон аёллар бирлашмаси қошида махсус кредит иттифоқи ташкил этилди. Мазкур иттифоқнинг ташкил этилиши иш бошлаш арафасидаги хотин-қизлар учун айни муддао бўлди, десак муболаға бўлмайди. Энди тажрибали мутахассислар тадбиркорлик соҳасининг ёш вакилларига махсус бизнес режа тайёрлаш, уни амалга оширишда ва кредитларни мақсадли сарфлашга кўмак беришади.

Семинарда иштирокчилар микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ҳисоб рақами ёпилганда қандай йўл тутиш, ягона солиқ тизимининг афзалликлари хусусида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

***Инобат ЭГАМҚУЛОВА,***
***"Туркистон-пресс"***

## ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҲУҚУҚИЙ СЕМИНАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йилнинг июнь ойида қабул қилинган Фармонлари ва қарорларининг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга тушунтириш, солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимини ошириш долзарб аҳамиятга эга. Айни шу мақсадда Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да кўргазмали амалий семинар ташкил этди.**

Беш кун давом этадиган мазкур тадбирда Тошкент шаҳри ва вилоятининг барча туманларидан тадбиркорлар ва ишбилармонлар, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар раҳбарлари ва бош ҳисобчилари ҳамда солиқ хизмати органларининг барча бўғин ходимлари иштирок этади.

Кўргазмада тадбиркорлар учун улкан имкониятлар яратган ҳужжатлар мазмуни акс эттирилган алоҳида павильонлар ташкил этилган. Хусусан, улардан бири «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга кўра, тадбиркорлик субъектларига фақат суд орқали қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқий таъсир чораларига бағишланган. Бошқасида эса «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ микрофирма ва кичик корхоналар учун яратилган қўшимча имкониятлар ҳақида батафсил тушунтиришлар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, тадбиркорлар кўргазмада давлатимиз раҳбарининг«Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг молиявий жавобгарлиги бўйича жорий этилган янгиликлар билан батафсил танишиши, мутахассислардан тегишли маслаҳатлар олиши мумкин. Яна бир павильонда эса «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарорга асосан ҳисобот тизимини соддалаштириш ва уни тақдим этиш тартиботидаги янгиликлар ҳақида сўз боради.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Хўжаев, Бош вазир ўринбосари В.Голишев ва Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**(ЎзА)**

# АХБОРОТ УРУШИ: "ХОНОБОД" АТРОФИДАГИ ҲАҚИҚАТ ВА УЙДИРМАЛАР

**Сўнгги кунларда айрим жаҳон ОАВ саҳифаларида, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларида Америка ҳарбий контингентининг «Хонобод» аэродромидан фойдаланиши тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатини тўхтатишга доир турли хил нотўғри фикрлар, баъзан эса очиқдан-очиқ уйдирмалар пайдо бўлмоқда. Бунда, "эксперт" деб аталмиш шахслар ўзбек томонининг қарорини сиёсий, геосиёсий ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан изоҳлашга уринмоқдалар.**

АҚШ Давлат департаменти вакили Том Кейси ҳатто "Нима учун Ўзбекистон ҳукумати АҚШдан ўз контингентини 180 кун ичида базадан олиб чиқиб кетишни талаб қилаётгани сабабини билмайман", дейишгача борди. Аслида бунинг "сабабини билмаслик" ушбу нисбатан узоқ тарихга эга масалани ёки "Хонобод" ҳақидаги Ўзбекистон—Америка битими шартларини билмасликдан далолатдир. Буни давлат департаменти вакилининг билмаслиги эса шубҳалидир.

Шундай экан, бу масалага ойдинлик киритиш зарур.

"Қарши-Хонобод" авиабазасидан 2001 йилнинг кузидан бошлаб, бирлашган коалицион кучларнинг умумий душман—глобал терроризмга қарши кураши Марказий Осиёда кенг қўллаб-қувватланган пайтда, Афғонистондаги операцияларни таъминлаш учун фойдаланилди. Америкалик сиёсатчиларнинг тили билан айтганда, базанинг берилиши Ўзбекистоннинг яхши нияти, унинг антитеррор коалициясининг фаол аъзоларидан бири эканлиги, жаҳон ҳамжамиятининг минтақавий ва глобал хавфсизликларга қарши курашига ўз ҳиссасини қўшишга тайёрлиги белгиси эди.

2001 йилнинг 7 октябрь куни Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида имзоланган Битимда Ўзбекистон ҳарбий инфратузилмасидан фойдаланишдан асосий мақсад АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар олиб бориш даврида қидирув-қутқарув ва инсонпарварлик операцияларини амалга ошириш деб белгиланган эди. Бунда битим бир йил муддатга имзоланган эди.

Шу билан бир қаторда, чет эл ҳарбийларининг Ўзбекистонда бўлиши маълум муддатга, тўғрироғи, фаол антитеррор амалиётлар олиб борилаётган даврда, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, Шимолий Афғонистондаги операциялар тугагунга қадар белгиланган эди. Бошқача айтганда, бошиданоқ уларнинг узоқ муддат туриши кўзда тутилмаганди. Янаям айтадиган бўлсак, ўзбек томони кейинчалик ҳам битта позицияда турди: Ўзбекистон ҳеч қачон Хонободдан АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари мунтазам фойдаланишини кўзда тутмаган.

Афғонистонда фаол антитеррор амалиётлари олиб борилган чоғда "Хонобод" орқали бу мамлакатга минглаб тонна инсонпарварлик юклари етказилди, АҚШ ҲҲК самолётларига ёнилғи қуйиш ва яна бошқа кўплаб операциялар амалга оширилди. Шундай қилиб, илгари ҳеч кимга маълум бўлмаган, американликлар томонидан гўёки юлдузлар уруши давридагидек "К-2" деб номланган база жаҳон ҳамжамияти томонидан халқаро терроризм билан курашда фронт орти сифатида қабул қилинди.

АҚШ ва Афғонистон ҳукуматлари вакиллари билдираётган кўплаб расмий баёнотларда таъкидланишича, ҳозирги кунда Афғонистонда вазият барқарорлашмоқда. Шунингдек, Афғонистондаги муваффақият (аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, толибларнинг йўқ қилиниши, кенг миқёсда қуролсизланишнинг бошланиши, давлат қурилиши босқичига ўтиш ва ҳ.к.) "бошбошдоқлик ва террор устидан тартиб ва демократиянинг ғалабаси омиллари" сифатида қайд этилди.

Масалан, АҚШ президентининг шу йил март ойидаги Миллий мудофаа университетидаги нутқини олиб кўрайлик. У шу нутқида мусулмон оламида демократлаштириш жараёни анча илгарилаганини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, бунга Афғонистон, Ироқ ва Фаластинда бўлиб ўтган демократик сайловлар далил бўла олади. Июнь ойида Давлат котиби К. Райс ҳам "бу фронтда анчагина ютуққа эришилганини" қайд этди. Унинг фикрича, "бу аввалгидан бутунлай фарқ қиладиган, таниб бўлмайдиган оламдир", айниқса, «Афғонистондаги президентлик сайловлари, демократик контекстдаги кураш кетаётган Ироқдаги сайловларга эътибор берсангиз, бу янада яққолроқ кўринади».

Шу ва шунга ўхшаш фикрлар Афғонистондаги уруш, ҳеч бўлмаганда унинг ҳарбий фазаси тугаганидан дарак беради. Бўлмаса, қандай халоскорлик, қандай демократик сайловлар ва ўзгаришлар ҳақида сўз бўлиши мумкин?

Масаланинг ҳуқуқий томони ҳақида гап кетадиган бўлса, Афғонистондаги операцияларнинг ҳал қилувчи босқичидан сўнг ҳам Вашингтон томонидан база тўғрисидаги шартноманинг амал қилишини тасдиқлаш бўйича бирон бир реал қадам ташланмади. Айтиш лозимки, келишувга эришган томонларнинг тасдиғисиз ҳар қандай Битим бир кун келиб ўз кучини йўқотишини билиш учун юридик маълумот эгаси бўлиш шарт эмас.

«Хонобод» аэродромидан фойдаланишда ҳам, унинг молиявий, техник, гуманитар ва экологик томонларига муносабатда ҳам шундай ҳол юз берди. Ҳозир бу масала жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама бўлаётган пайтда американликлар "Хонобод" аэродромини қўриқлаш, зарур инфратузилмалар ташкил этиш ва сақлаб туриш учун Ўзбекистон томонидан сарфланган қўшимча маблағларни компенсация қилмаганлиги маълум бўлди. Ўзбекистон, шунингдек, экологик зарар ва маҳаллий аҳолига ноқулайликлар туғдирилганлик учун ҳам ҳеч қандай компенсация олгани йўқ. Энг ачинарлиси, американликлар ўз ҳаво кемаларининг парвози ва қўниши учун бир цент ҳам тўламаган.

Шу билан бирга, АҚШ авиациясининг мунтазам фаолияти оқибатида авиабаза инфратузилмаси жиддий зиён кўрди. Шунингдек, "Хонобод" атрофида яшовчи аҳоли манфаатларига ҳам зарар етказилди. Деҳқонларнинг аэродром яқинидаги кўплаб ерлари қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб қолди. Америка контингенти базага жойлашгандан сўнг аҳолининг нормал турмуш кечиришига халақит берадиган кўплаб ноқулайликлар пайдо бўлди. "Хонобод" атрофидаги ер, сув ва ҳаво текшириб кўрилганда, бу ерларнинг табиатига жиддий экологик зарар етказилгани аниқланди.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон ҳукумати 2005 йилнинг март ойидаёқ авиабазадан фойдаланиш хусусида маълум чеклашлар киритган эди. Бу биринчи навбатда тунги учишларни ва оғир самолётларнинг қўнишини ман қилишда намоён бўлди.

Айрим ғарб оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистоннинг "Хонобод" хусусидаги қарори кутилмаган қадам бўлганлиги ва Андижон ҳамда Қирғизистондаги воқеаларга боғлиқлиги ҳақидаги хабарлари халқаро-сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа нуқтаи назардан ҳам куракда турмайдиган гаплардир. "Хонобод" базаси ва АҚШнинг ундан фойдаланиши шартлари масаласи Тошкент томонидан турли даражадаги музокараларда кўтарилди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг позицияси зарур дипломатик ёзишмалар билан ҳужжатлаштирилган.

Бошқача қилиб айтганда, бу муаммо 2005 йил кўклам-ёз ойларида "йўқ жойдан" пайдо бўлиб қолгани йўқ, аксинча бу мавзу муҳокама қилиш учун Америка томонига бир неча йилдан буён таклиф этиб келинади. Бундай шароитда, Ўзбекистоннинг қарорини қандайдир сиёсий ёки бошқа сабабларга боғлашни, камида, ножиддий ҳаракатлар деб аташ мумкин.

Мамлакат ҳудудида хорижий қўшинларнинг бўлиши — йиллар давомида эътиборсиз қараб келинадиган мавзу эмас. Албатта, ҳар қандай суверен давлат бундай қўшинларнинг ўз ҳудудида бўлиш муддати, ҳуқуқий, моддий-техникавий ва бошқа жиҳатлари белгилаб қўйилишидан жуда ҳам манфаатдор. Айниқса, сўз Марказий Осиёдек мураккаб ҳудудда жойлашган мамлакат ҳақида кетаётган бўлса. Маълумки, Ўзбекистон ҳамиша минтақанинг демилитаризация қилиниши тарафдори бўлган ва бўлиб қолмоқда.

База билан боғлиқ масала жорий йилнинг май ойида Фарғона водийсидаги вазиятни издан чиқаришга қаратилган ҳаракатлардан, айниқса, ўз маъсулият доираси ҳудудида хорижий қўшинларнинг туриш муддати билан қизиққан ШҲТ аъзолари баёнотидан аввал пайдо бўлган эди.

Бундай ҳолатда, баъзи ўз сиёсий манфаатларини кўзлайдиган ОАВ ва «экспертлар»нинг Андижон атрофидаги фожиали воқеаларни «Хонобод» билан боғлашга уринишлари мантиқсиз тахминлардан бошқа нарса эмас. Бундай «фикр юритувчилар»да ёки мантиқ етишмайди, ёки бўлмаса бундай чиқишлар сиёсий буюртмадан бошқа нарса эмас.

Бир-бирига боғланмайдиган нарсаларни боғлаш — «икки хил ҳисоб-китоб» олиб борувчилар, ўзлари илгари сураётган гаплар ишончли бўлиши учун керакли «далил»ларни топувчилар учун одатдаги мантиқдир. Сўнгги пайтларда баъзи давлатларнинг Ўзбекистонга нисбатан очиқ ва конструктив мулоқот (икки томон учун ҳам амалий фойдали) ўрнига, фақатгина қарши томоннинг манфаатлари ва қарашларига мос келадиган фикрлар ва қарашларга асосланган сиёсат юритаётгани ана шундай хулосага олиб келади.

Марказий Осиё масалалари билан шуғулланадиган кўпчилик экспертлар «Тошкентга босим ўтказиб, Ўзбекистон миллий манфаатларига тўғри келмайдиган нарсани қўлга киритишга уриниш мутлақо бефойда иш эканини» жуда яхши билишади.

Ушбу ҳақиқатни Ўзбекистондан минглаб километр узоқдаги офисларида ўтириб, чуқур ўйланмаган фикр ва хулосалари билан ўз мамлакати ташқи сиёсатини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатаётган «эксперт»лар ҳам билиб қўйишса, фойдадан холи бўлмасди. Амалий ютуқларга эришиш учун ташқи сиёсат изчил, масъулиятли ва мақсадлари самимийлигига шубҳа уйғотмайдиган бўлиши лозим. Масалан, у ёки бу давлатдаги стратегик манфаатларни маълум бир жамият ва бошқарув модели танланиши билан боғлаш шубҳалидир. Давлат ташқаридан эмас, ички томондан қурилишини тарих кўп бор исботлаган. Шу билан бирга, дунёдаги муносабатлар бугунги кунда ҳар бир давлатнинг ривожланиши эҳтиёжларини реал баҳолаш асосига қурилаётган бир пайтда, идеологик догмаларга таяниш ҳам шубҳа уйғотади. Стратегияни реал ҳаётни ҳисобга олмайдиган ғоялар асосига қуриш мумкин эмас. Айниқса, энг «илғор» ғоялар дунёни «ўзимизникилар» ва «бегоналар»га бўлувчи догмаларга айланаётган бир пайтда бу муҳимдир.

**Акмал АКРОМОВ**

*Маҳалланг — ота-онанг*

# МАЪРИФАТ ВА ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ МАСКАНИ

**Минг йиллар давомида инсониятнинг буюк даҳолари томонидан эътироф этилган, шарқона демократиянинг асосий тамойилларига ва жамоа фикрига асосланган, ўзбек халқининг анъанавий урф-одатларини, тарихий, миллий давлат бошқаруви маданиятини ва халқ жамият бошқаруви тизимини аҳолига сингдириш учун хизмат қиладиган ижтимоий тузилма маҳалла деб атаб келинган. У ўзбек миллий тараққиёт моделининг таркибий йўналишларидан бири сифатида қабул қилинади.**

Биз қураётган демократик жамиятда маҳалла — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели, бевосита демократия институти сифатида тан олинди. Унинг қонуний ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида қатъий белгилаб қўйилди.

Айнан маҳаллаларда шаклланган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, республика маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги Фармонига мувофиқ Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилди. 1993 йил сентябрида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» биринчи марта қонун қабул қилинди.

Эндиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бевосита ёки билвосита давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этмоқда. Бу ҳолат Республика Президенти томонидан ишлаб чиқилган «Кучли давлатдан кучли жамият сари» ижтимоий-сиёсий қурилиш дастурининг амалдаги ифодаси сифатида намоён бўлмоқда, десак хато қилмаймиз.

Маҳалла удумлари қадим-қадим замонлардан буён давом этиб келмоқда, чунки бирор анъана ёки маросимлар маҳалласиз ўтказилмаган. Маҳалла шундай бир муқаддас маконки, унда инсонлар бир-бирлари билан опа-сингил, ака-ука, қуда-анда, дўст-биродар бўлиб, бир хонадондаги тўю-маърака, мотам барча хонадонларники, фарзанд тарбиясида ҳам барча маҳалла аҳли масъул, ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам умуммаҳалла аҳлиники ҳисобланади.

«Бир болага етти маҳалла ота-она» деган нақлдан келиб чиқиб, келажак авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш жараёнини амалга ошириш борасида кичик Ватан бўлмиш маҳалланинг олдида қатор вазифалар туради, яъни «Маънавият ва маърифат», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Экосан», «Нуроний» ташкилотлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмиталари, турли жамиятлар, бирлашмалар ва ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш, ўқув тарбия муассасалари билан биргаликда турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, анжуманлар, байрам ва беллашувлар ташкил қилиш, турли йўналишда иқтидорли бўлган ўқувчи болаларни мактаблар тавсиясига кўра ижтимоий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш кабилардир.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришуви унинг ҳар бир фуқароси, шахс учун ўзининг қобилияти, имкониятлари, эътиқодини тўла намойиш қилиш, ўзи, оиласи, халқи жамият учун мазмунли умр кечиришига тўла шароит, эркинликлар яратиб берди. Бироқ эркинликлар қанча кўп бўлмасин, инсон улардан тўғри фойдаланганида, суиистеъмол қилмаганида, инсоний бурчларини тушунгандагина ўз эзгу хислатларини рўёбга чиқариши мумкин.

Шахс эътиқодининг шаклланишида жамиятнинг асоси бўлган оила, фуқаролик тузумининг пойдевори бўлган маҳалла, айниқса хотин-қизларнинг хизматлари ғоят буюкдир. Ҳар қандай жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш оиладан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам халқ ва юрт келажагига ғамхўрликнинг ёркин кўринишларидан бири бўлди.

Фармонда белгиланган тадбирлардан бирига кўра 2004 йил 1 июлидан бошлаб, фуқаролар йиғинлари кенгашлари тузилмасида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди.

Бизнинг фикримизча, маслаҳатчи, энг аввало, диний ва дунёвий билимларни пухта биладиган, ўз фаолиятида уларнинг уйғунлигини таъминлайдиган, диний қадриятлар миллий қадриятларимизнинг таркибий қисми эканлигини доимо оилалар ва маҳалла аҳолисига тушунтириб борадиган, диний анъана ва маросимларни суиистеъмол қилишга йўл қўймайдиган шахсдир. Ёшларнинг турли диний оқимларга берилиб кетмаслиги, яъни яратувчанлик кучининг бузғунчилик кучига айланмаслигининг олдини олиш маслаҳатчи фаолиятининг асосий бир жиҳатидир.

Бу борада яна «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази томонидан иккита услубий қўлланма, тўртта мақола тайёрланди. Бектемир, Юнусобод, Яккасарой, Ҳамза, Мирзо Улуғбек, Чилонзор туманлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш ўқув курси ўтказилди.

Семинарлар қизғин савол-жавобларга бой бўлди. Тингловчиларни айниқса, диний маърифат нималиги, маслаҳатчи фаолиятининг хотин-қизлар комиссияси фаолиятидан фарқи, акромийлар диний экстремистик оқимининг асл ниятлари масалалари жуда қизиқтирди. Бу борада ўнлаб саволлар тушди. Маҳаллалардаги ҳаёт шуни кўрсатадики, баъзи жойларда диний маслаҳатчиларни, ҳатто отинларни тайёрлайдиган аёллар сифатида ҳам тушунишмоқда экан.

Албатта, барчамизнинг, жумладан, маҳаллалар бошқарувида хизмат қилаётган ватандошларимизнинг ҳам асл мақсади битта — озод ва обод ҳаётни яратишдир. Аммо бу ишда ҳамкорлик билан бир қаторда ҳар бир лавозим эгасининг аниқ мақсад ва вазифалари бўлмаса, кишилар бир-бирининг ишига ҳуда-беҳуда аралашаверса, кўзланган мақсадга эришиш қийин.

**Самин РАҲИМОВ,**
**Республика «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази директори, профессор.**
**Акром АКМАЛОВ,**
**Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудири, доцент.**

## МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**6 АВГУСТ, ШАНБА**

**Мунажжим Лидия Неведомская бугунги кун ҳақида шундай таъриф келтиради: «Қуёш ва Меркурий кувватларнинг Арслон буржи 14-даражасида бирлашиши, инсон қалби атроф оламда ўзини биронбир турда намоён этишга интилишини эслатади.**

Турли одамлар бир хил вазифани турлича ҳал этишади. Баъзи бировлар омма ҳайқириқлари остида саҳна олдига чиқиб олишади. Бошқа бировлар ўз қилмишларини ошкор этувчи имзонни қўйишга ошиқишмайди. Яна бошқа бир тоифа кишилар Гоголнинг машҳур персонажлари, юлдуздек шуҳратни қозонганлардан Добчинский ва Бобчинский каби кишилар ҳам борлигига эътибор қилишни сўрашади».

Бугун таъмирлаш ишларини бошлаш ёки бошқа жойга кўчиш, киймкечакларни харид қилиш хайрли бўлади. Ўзаро мулоқотлар, янги танишувлар орттириш ҳам — яхшилика.

Бу кеча кўриладиган тушлар башоратли, аммо шахсан сизга тегишли бўлмайди.

Буйраклар, умуртқа поғоналарини эҳтиёт қилинг. Бугун ейиш, ичишда ўзингизни чеклаб ўтирманг.

**ШАНБА КУНИДА:**

— Сафарлар, саёҳатларга чиқиш;
— ҳар қандай муаммоларни ноанъанавий, ўзига хос йўл билан ҳал этиш;
— болалар хонасини қайта жиҳозлаш, бошқа хоналар эшик олдиларини ўзгартириш;
— рўзғор ишларида турли янгиликлар киритиш;
— фаоллик ва уддабуронликни намоён этиш тавсия қилинади.

**7 АВГУСТ, ЯКШАНБА**

**Нима ҳам дердик, мунажжимлар бугунги кун ҳолатини Меркурий ва тунги Ой ҳаракати билан боғлаб, бизга катта хурсандчиликларни ваъда қилишмаяпти, «орқага тисарилиб кетаётган» Меркурий билан тунги Ой кувватлари бирлашишининг кучайиб бориши одамларга панд бериб қўйиши мумкин.**

Дарвоқе, бундан юқоридаги ишни бажариш учун мунажжимлар тавсия этадиган қулай кунни пойлаб қўл қовуштириб ўтириш керак, деган хулосага келиш керак эмас. Бугун уйрўзғордаги ишларни бажариш, ҳамма ёқни йиғиштириш-тозалаш, тартибга келтириш учун жуда яхши кун ҳисобланади. Сартарошхона, ҳаммом ёки саунага бориш, гўзаллик салонига ташриф буюриш, шифокор маслаҳатини олиш ҳам фойдали бўлади.

**ЯКШАНБАДА:**

— янги билимларни эгаллаш, саводхонлигингизни ошириш;
— қоматни ростлайдиган машқлар мажмуини бажариш;
— вақтингизни кўпроқ хушчақчақ, кайфияти баланд кишилар билан ўтказиш;
— компьютернинг янги дастурини ўзлаштириш;
— нотиқлик санъатингизни намоён этиш тавсия қилинади. Зеро, бугунги муваффақиятингиз гапни ўрнига қўйишингизга боғлиқ.

**8 АВГУСТ, ДУШАНБА**

**Ҳар қалай, ҳафтанинг бошланиши мунажжимлар таъбирича унчалик ёқимли бўлмаса-да, унинг ёруғ жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Чунончи, душанбада кўнглингизга ёққан, анчадан бери орзу қилиб юрган нарсаларингизни сотиб олишингиз, бошқа хил буюмларнинг эгаси бўлишингиз — бир сўз билан айтганда, кунни ёқимли харидлар билан ўтказишингиз мумкин. Бу эса, ҳазилакам гап эмас.**

Мунажжимлар ўз сўзларингиз ва қилмишларингиз устида мулоҳаза юритиб, шошилинч ваъдалар бермаслик, ғийбат ва бировларни ёмонлашдан қочишни, тилига безътибор кишиларга эса кўпроқ сукут сақлашни маслаҳат беришади.

**БУГУНГИ ТАВСИЯЛАРИМИЗ:**

— бир йўла бир нечта янги ишни бошлайвериш;
— идора ашёлари ва дам олиш учун зарур буюмларни харид қилиш;
— вақтингизни тўғри тақсимлаш;
— керакли кишиларингиз, йўқолган буюмлар ва ҳайвонларни излашга киришиш;
— дўстларингиз, синфдошлар, курсдошларингиз билан ахборотлар ва тажриба алмашиш.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳрининг барча туманларида 2005 йил 1 августдан 1 октябргача янги ўқув йили бошланиши муносабати билан «мактаб бозорлари» ташкил этилади.

Ўқувчиларга ўқув-ёзув қўлланмалари, болалар киййм-кечаклари, пойабзаллар ва бошқа саноат молларини харид қилиш учун Сизни туманлардаги қуйидаги манзилларда жойлашган марказий «мактаб бозорлари»га таклиф этамиз:

Учтепа тумани — Фарҳод кўчаси, «Фарҳод бозори», «Собит ҳожи» дўконининг олдида.

Бектемир тумани — Водник даҳаси, «Бектемир бозори» олдида.

Мирobод тумани — Ўзбекистон кўчаси 45, «Тошкент универмаги» ҳудудидаги майдонда.

Мирзо Улуғбек тумани — Сайрам кўчаси «Бўз» бозори олдида.

Собир Раҳимов тумани — «Беруний» метро бекати, Миллий университет томонида.

Сергели тумани — Сергели — 8, «Сергели» супермаркети олдида.

Чилонзор тумани — Чилонзор кўчаси 55, «Чилонзор савдо маркази» ичида ва олдида

Ҳамза тумани —Авиасозлар бозори олдидаги майдонда.

Шайхонтоҳур тумани — А.Навоий кўчаси, 30-уй олдида (ўрнатилган савдо расталарида).

Юнусобод тумани — «Юнусобод саховат» дўкони олдида.

Яккасарой тумани — «Аския деҳқон бозори»нинг кириш қисмида.

Бундан ташқари Тошкент шаҳрининг қуйидаги буюм ва ихтисослаштирилган бозорларида хусусий тадбиркорлар томонидан мактаб бозорлари ташкил этилган:

«Чилонзор буюм бозори» ОАЖ Бозорнинг 5-6 айвонларининг орқа қисмида

«Чорсу буюм бозори» ОАЖ Бозор маъмурияти биносининг олдида

«Қорақамиш буюм бозори» ОАЖ Бозорнинг асосий кириш дарвозаси олдида

«Қўйлиқ буюм бозори» ОАЖ Фарғона кўчасидан кириш томонида

«Паркент бозори» ОАЖ Бозор маъмурияти биносининг қаршисида

**МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!**
**Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти.**




**КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.**
**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.**

## ХАНДАЛАР

*Бир ароқхўр кўчада у томонга келаётган аёлга гап отиб дебди:*

*— Яхши қиз, хотинимга ўхшар экансиз, келинг танишайлик.*
*Буни эшитган аёл йиғлаб юборибди.*

*— Нимага йиғлайсиз, мен шу ердаман-а.*

*— Танимадингизми, адаси, яхшилаб қаранг, ахир мен ростдан ҳам сизнинг хотинингизман-ку.*

*— Тавба, ҳар куни ичиб олганимда қайси аёлга гап отсам хотинингизман дейишади-я, одам ҳам шундай омадсиз бўладими, — дермиш гандираклаб ароқхўр.*

* * *

*Тамаки чекиб ўтирган отанинг ёнига ўғли келиб гина оҳангида сўради:*

*— Нимага менинг исмимни Болтабой қўйгансизлар, бошқа исм топилмаганми?*

*— Мен нима қилай, Аррабой, Тешабой, Диванбой, Пақирбой, Самоварбой исмлари акаларингга қўйилган, уйда бўлса фақат болтадан бошқа нарса қолмаган бўлса,-дермиш ота.*

* * *

*Бир лўли аёл кўчада кетиб бораётган эркакка қўл чўзиб дебди:*

*— Худо йўлига садақа қилинг, ака.*

*— Пулим йўқ, фақат бир пачка тамаким бор холос.*

*— Майли, бераверинг, барибир пул берсангиз, сотиб олмоқчи эдим шуни,- дермиш лўли.*

* * *

*Меҳмонлардан бири ёшгина чекувчи йигит саҳнада ўтирган юбилярга ишора қилиб қўшнисига дебди:*

*- Саксон ёшга кирганимда ҳам шу кишидек кўринсам эди,- деган экан, қўшниси унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди:*

*— Ташвишланма, ҳозирнинг ўзида ҳам ўша кишидайсан, дебди.*

* * *

*Бир киши танишидан сўради:*

*— Неча ёшга бордингиз?*

*— Эллик ёшдаман.*

*Орадан етти-саккиз йил ўтгач у тағин танишини кўриб сўраса, яна эллик ёшдаман дермиш.*

*Ҳалиги киши ҳайрон бўлиб, етти йил аввал сўраганимда ҳам эллик ёшдаман деган эдингиз, ҳозир сўрасам яна эллик ёшдаман деяпсиз.*

*— Эр кишининг гапи битта бўлади, — деб жавоб берибди таниши.*

* * *

*— Биласизми, мен телевизорда чиқиб ашула айта бошлаганимдан буён телевизор сотиб олувчилар икки марта кўпайди.*

*— Мен эса телевизоримни сотиб юбордим.*

* * *

*Бир маст киши хотинига:*

*— Ҳозир ҳовузда ажинани кўрдим, деб мақтанибди.*

*— Ҳовуз сувида ўз аксингизни кўргандирсиз, — дебди кулиб.*

* * *

*— Ўғлим, сен математикадан олган икки баҳоларингни қачон тузатасан?*

*— Шунга ҳайронман. Ўқитувчи синф журналини жуда эҳтиётлаб сақлаяпти. Бўлмаса аллақачон тузатган бўлардим-а.*

**Аширбой РЎЗМЕТОВ**

## МУСАҲҲИҲ ЯНГЛИШГАНДА

- Озгина ноаниқ китоб (ҳисоб) савдогарчилик соҳасини аянчли аҳволга сотиб (солиб) қўяди.
- Тўловлар бўлиқ (тўлиқ) бўлади.
- Боқимандаларнинг нормадан ортиқ кўпайишига қўл ( йўл) қўйилмаяпти.
- Биз янгиланиш тамонида (замонида) меҳнат қиляпмиз.
- Туманда янги чуриш (қуриш) ишлари бошланди.
- Ҳужжатнинг парча (барча) лойиҳалари тахт қилиб қўйилган.
- Замонавий савдо компаниялари сарпо (барпо) этилди.
- Марказлашмаган молда (ҳолда) миллион сўмлик маҳсулот келтирилди.
- Пора (қора) ва рангли металл парчаларини топширдик.
- Ота-она ўғитига (ўгитига) қулоқ сол ҳар дам.
- Йигитлар (чигитлар) бир текис униб чиқди.
- Бу йилги режани 100 поезга (фоизга) бажардик.
- Ҳамма давраларнинг сўри (тўри) сизники.
- Қўшнингизни тўғри ( ўғри) деб гумон қилманг.

**Хонбиби ҲИММАТ қизи тайёрлади**



## БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

«Ўтган кунлар»имни излаб ҳеч тополмаяпман.

**(Паришонхотир китобсеварнинг гапи)**

Мани тарвузимга гап йўқ.

**(Деҳқоннинг мақтови)**

Оёғимни қоқиб, мен келгунимча тайёрлаб қўй.

**(Мижознинг дегани)**

Ярим соатлик фильмга сиғолмагандик, лекин амаллаб 50 дақиқага сиғишга рухсат олдик.

**(Режиссёрнинг дегани)**

Ҳой, каттанг бошимни илиб кетибдику.

**(Отанинг дегани)**

Ночор моллар акт қилинган.

**(Ферма мудирининг тушунтириши)**

Кун бўйи қисқа муддатли ёмғир ёғади.

**(Об-ҳаво маълумотидан)**

Мажнунтолнинг сояси,
Севгимизнинг дояси.

**(Қўшиқдан)**

Автобус «Хотинкўприк»ка борадими?

**(Йўловчининг сўроғи)**

## БУЛБУЛНИ ОЗОД ЭТДИ

### Шеърий латифа

*Жон болалар, болалар.*
*Юзи гулгун лолалар,*
*Биласиз Афандини,*
*Ҳамма танийди уни.*
*Чунки у жуда доно,*
*Сўзларида кўп маъно,*
*Яхшиликни ўйлайди,*
*Ҳақиқатни сўйлайди.*
*Ўша доно Афанди,*
*Сўзлари асал-қанди.*
*Биларкан қушлар тилин,*
*Ҳаттоки фикру дилин,*
*Тинглаб қушлар созини,*
*Ёқимли овозини,*
*Жуда хурсанд бўларкан,*
*Шавқу завққа тўларкан.*
*Уларга сочиб донлар,*
*Қилар экан меҳмонлар.*
*Қўшилишиб куйларкан,*
*Яхшиликдан сўйларкан.*
*Қушлар хуш кўриб уни,*
*Учиб келиб ҳар куни,*
*Чолга бераркан салом,*
*Айлаб чиройли муқом.*
*Кўкда парвоз этаркан,*
*Ўйнаб-кулиб кетаркан,*
*Айниқса куйчи булбул,*
*Бу чолга қўйиб кўнгил.*
*Доим сайраб боғида,*
*Оқшом, саҳар чоғида.*
*Ширин суҳбат қураркан,*
*Хурсанд қилиб юраркан.*
*Бошига тушиб мушкул,*
*Сайрамай қўйди буткул.*
*Афанди ҳайрон бўлди,*
*Дили ҳам вайрон бўлди.*
*Бориб булбул ёнига,*
*Оро кириб жонига.*
*Қушчага боқиб хушҳол,*
*Берибди битта савол:*
*-Булбулжоним, булбулжон,*
*Нега юрак-бағринг қон.*
*Хафа қилди сени ким,*
*Нега бўлиб қолдинг жим,*
*Айтақол қўшиқчи қуш,*
*Ё кўрдингми ёмон туш?*
*Юрагингни менга ёз,*
*Енгил бўласан бироз...*
*Булбул кўздан тўкиб ёш,*
*-«Хафа қилди бағри тош...»*
*Деб бошлади сўзини:*
*Чолдан узмай кўзини:*
*-«Учиб бориб узоққа,*
*Дўстим тушди тузоққа.*
*Бир овчи тутиб олди,*
*Темир қафасга солди.*
*Оҳ, дўстимдан айирди,*
*Қанотимни қайирди.*
*Бозорга олиб кетди,*
*Кўнглимга озор етди.*
*Сотиб арзимас пулга,*
*Жабр қилар булбулга.*
*Шу дўстимга бер ёрдам*
*Бошимиздан кетсин ғам».*
*Афанди бозор кетди,*
*Ҳаялламай тез етди.*
*Овчини топди излаб,*
*Тутқун булбулни сўзлаб,*
*Кўп пулга сотиб олди.*
*Бу чолнинг ҳимматига,*
*Ажойиб одатига,*
*Одамлар ҳайрон қолди,*
*Қафасдан қушни олди,*
*Гапига қулоқ солди.*
*Булбул кўзин ёшлади,*
*Аста қўшиқ бошлади.*
*-«Қоронғу эди олам,*
*Эзар эди дард-алам,*
*Кўзларимга нур бердинг,*
*Туганмас сурур бердинг,*
*Унутмайман сени ҳеч,*
*Яхшилигинг эрта-кеч,*
*Элга қиламан достон,*
*Доимо бўл соғ-омон».*
*Шундай деб учиб кетди,*
*Қафасдан кўчиб кетди.*
*Афандининг боғига*
*Вафодор ўртоғига,*
*Бориб айтди ташаккур,*
*Кўзларига тўлиб нур.*

* * *

*Икки булбул бир бўлиб,*
*Қалби қувончга тўлиб,*
*Яйраб куйлаб кетдилар,*
*Чолга раҳмат айтдилар.*
*Яшнаб кетди дала,боғ,*
*Афандининг кўнгли чоғ.*
*У ҳам айтди ашула,*
*Боғига тўлди шуъла.*

**Туроб АКБАРХЎЖАЕВ**

## ЎҒРИ ЧЎНТАК

### *Ҳажвия*

Толибжон овқатдан сўнг ҳузур қилиб ёстиққа ёнбошлади. Ширин хаёлларга берилди: «Қорин тўқ, эгним бут, болалар бор, уй-жой бор, яна нима керак». Шу пайт хотини: «Чой ичасизми?» деб қолди. «Хотиндан ҳам ёлчидим»,деб кўнглидан ўтказди ва хотинига бир ширин гап айтгиси келди:

—Бундай узоқларга бориб дам олиб ҳам келолмадик. Шу бу йил...

— Аввал бериродагиларни бажариб туринг,—деди хотини лабини буриб,— туғилган куним эсизга келмайди-ю...

— Ие нега бугун уйда бошқача тароват, деган эдим-а! Нима, мен сендан бир нимани қизғанибмидим? Оғзингга сиққан нарсани айт, олиб берай. Шунга шунча аразми?

Толибжон ўрнидан туриб шифонердан костюмини қидира бошлади.

— Қишки костюмим қани? - деб қичқираёзди у ичкаридан.

— «Химчистка»га топшириб юборган эдим.

— Топ ҳозир. Қачон оборувдинг?

—Кеча эрталаб.

— Югур, чоп!- деди ҳовлиқиб эр.

— Нима ўзи, нима бор эди унда?- ҳовликди хотин ҳам эрининг важоҳатини кўриб.

—Ўғри чўнтагига пул яшириб қўйган эдим. Жон хотин, югур!

Ойнисахон илдам кийинди. «Химчистка»га таксида етиб келди.

—Опа, кеча эрталаб қишки костюм топширган эдим. Шуни... шу ўғри чўнтагида... ҳали ювишга топшириб юбормадингларми? Қайтариб бера қолинг.

—Квитансангиз,-деди минғиллаб опа.

—Вой, квитанса... унутибман. Костюмларни қараб ўзим топиб оламан.

— Квитанса,-деб минғирлади опа кўзойнак остидан ҳўмрайиб қараб.

Шошганда лаббай топилмас. Қанот пайдо этгудек учиб келган Ойнисахон квитанса ўлгурни бир соат қидириб, зўрға топди.

У «химчистка»га келганда бешолти аёл навбатда турган эди.

—Сизлар топширишгами, олишгами?- деб сўради у ичи ёниб.

—Йўқ, биз пул олишга,-дейишди улар.

—Қанақа пул?

—Ўғри чўнтакда қолиб кетган пулларнида.

—Мен ҳам шунга, шунга келувдим,-деди Ойнисахон қувониб кетиб.

—«Химчистка»миз,— деб минғирлади опа,-ўғри чўнтакда қолиб кетган пулларни қайтариш режасини ҳар ойда ортиғи билан бажаради.

**Қутби НОСИРОВА**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

Ривоят:

Бир неча хотинга уйланган узоқ бир ўлканинг султони ҳамма аёлларидан бисёр фарзанд кўрибди. Лекин султоннинг ўртанча хотини Садоқат ўз эрига жуда садоқатли экан. Шунинг учун султоннинг бу хотинга меҳри ўзгача эди. Уларнинг уч яшар ўғилчаси бўлиб, у ҳам ақлли, доноликда ўзгалардан ажралиб турар экан. Султоннинг бошқа хотинлари эса фақат эрининг ўлимини кутишар, унинг мол-мулкини талон-тарож қилиш пайида яшарканлар. Нияти бузуқ хотинлар Садоқатни ва унинг ўғилчасини жуда ёмон кўриб, бир куни турли ҳийла ишлатиб, она-болани султонга ёмонлайвериб, охири ниятларига етишибди. Султон хотинларининг сўзига ишониб, Садоқатни ўғли билан кўчага ҳайдаб чиқарибди. Хотин билан ўғил султондан шафқат сўрашибди. Лекин у ўз сўзидан қайтмабди. Охири она-бола йиғлай-йиғлай бу юртдан бош олиб чиқиб кетибди.

Қувғин қилинганлар қўшни подшоҳ юртига ўтишганида навкарлар бу бегона аёл билан ўғилни ушлаб, подшоҳ ҳузурига келтиришибди. Подшоҳ уларни бандидан озод этиб, хонадонига хизматкор қилиб олибди. Садоқат подшоҳга ҳалол хизмат қилибди. Ниҳоят, Садоқатнинг донолиги, тадбиркорлигини кўрган подшоҳ унинг ўзини хотин, ўғлини эса ўзига фарзанд қилиб олибди. Бола ўгай ота паноҳида тарбияланиб, вояга етибди. Подшоҳ билан онаси оламдан ўтганидан кейин уларнинг қабрига чироқ ёқибди. Эл-юрт паҳлавон Баҳодирни отасининг ўрнига подшоҳ қилиб тахтга кўтарибди.

Султон эса қаригач, унинг хотинлари ва ноқобил ўғиллари мол-мулкини талон-тарож қилишиб, пароканда учраган юртдан султонни қувғин қилишибди. Султон вафодор хотини Садоқат ва ўғли Баҳодирни излай-излай кўп юртлар кезибди. Бир куни навкарлар бозорда дарбадар кезиб юрган султонни банди этиб юрт подшоҳи Баҳодирнинг ҳузурига келтирибдилар. Подшоҳ султонни авф этиб, уни бандидан озод қилиб, сарой атрофида қолдирибди. Подшоҳнинг марҳаматидан шодланган султон ҳар куни унинг ҳузурига кириб, умрига ва салтанатининг боқийлигига узундан-узоқ дуо қиларкан.

Бир куни султон Баҳодир ҳузурига кирганда унинг қулоғидаги кичик бир чандиққа кўзи тушибдию унга узоқ тикилибди. Подшоҳ билан суҳбатлашиб, унинг ўз ўғли Баҳодир эканлигига астойдил ишонибди. Кейин унга ётиғи билан бутун воқеаларни рўйи рост айтиб берибди. Ниҳоят дард билан «Ўғлим», дея унга қучоқ очганда Баҳодир дарғазаб бўлиб, навкарларни чақириб султонни бу юртдан чиқариб юборишларини буюрибди. Воқеадан хабардор бўлган вазирлардан бири унга:

—Шаҳаншоҳим, наҳот ўз отангизни юртингиздан ҳайдаб чиқарсангиз? — деганида подшоҳ:

— Менинг отам ўлган, бу одамни танимайман. Агар бу менинг отам бўлганида онам билан мени ўз юртидан қувғин қилармиди, — деб жавоб берибди.

Қилмиш-қидирмиш. «Экканингни ўрасан», деганлари шу бўлса керак-да.

Италияда тайёрланган, йилига 7 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга макарон чиқариш линияси

**СОТИЛАДИ**

Алоқа учун телефон: 330-29-59

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ОҚ ХАЛАТГА ДОҒ ТУШМАСИН

Неварам иситмалади. Буниси ҳам майликуя, ўнг биқини қорни аралаш қаттиқ оғриди. Кампирим, ўғлим, келиним биргалашиб неварани туркана дорилар билан тузатмоқчи бўлдик. Нафи бўлмади. Хуллас тунги соат 11 ларда бошланган оғриқ босилмагандан кейин неварани олиб шифохонага бордик.

Шифохонанинг қабул бўлимида навбат кутаётган беморлар талайгина экан. Бироз навбат кутишга тўғри келди. Қотмадан келган, 40-45 ёшлар атрофидаги жарроҳ неварамизни синчиклаб текширди-да, нималарнидир қоғозга қоралай бошлади. Невара бир чеккада оғриқ зўридан инграб ётибди. Сабрим чидамай сўрадим.

— Дарди нима экан, ука?

— Кўричак. Тезда жарроҳлик столига ёткизиш керак. Аммо...

— Бўйгинангдан ўзим ўргилай болам, — гапга аралашди кампирим, — «аммо»га бало борми? Тезроқ операция қила қолмайсанми.

— Бунинг-ку иложи бор. Лекин... Шифокор яна чайналди.

— Нима, лекин? — савол бердим.

— Зарур дори-дармон воситалари, пахта, дока деган нарсаларни етказиб беришларингиз лозим.

Шифохоналарда айрим ҳолларда тиббиёт воситалари, дори-дармонлар етишмай қолиши ҳақида эшитганимиз боис дарҳол рози бўлдик. Ўғлим бир соатча ўтар-ўтмас ҳамма дориларни муҳайё қилди-ю жарроҳлик амалиёти бошланди. Шукрки, операция муваффақиятли ўтди.

Бироқ, ишонасизми, шифокорлар эртасидан неварамдан хабар олмай қўйишди. Бирон ери оғриса, чақирамиз, доктор қовоғини уйиб келади-да, «Ҳозирча, оғриқни қолдирадиган дори йўқ, бироз ёта турсин», дея чиқиб кетади. Ҳайрон бўламиз. Шунда ўғлим «Ўзим гаплашаман, шифокор билан» деди-ю шифокорлар хонасига кетди. Буни қарангки, ўғлим доктор билан қандай гаплашди билмадик, аммо, шифокор энди кунда уч марта неварамдан хабар оладиган, ўзи билан зарур дориларни кўтариб кирадиган бўлиб қолди. Шу зайлда кунлар ўтаверди, неварамиз тузалиб ҳам кетди. Аммо шифокорнинг ўзгариб қолганлиги очиғи камиҳани таажжубга солди. Маълум бўлишича, ўғлимга «Докторга озгина узатсанг, боланг тез тузалади, муаммога ўрин қолмайди», деб маслаҳат беришган экан. Ўғлим ҳам маслаҳатга амал қилиб докторни хурсанд қилибди. Шу боис ҳам у неварамга очиқ чеҳра билан самимий муносабатда бўлаётган экан.

Шуни айтишим жоизки, шифокорлик улуғ касб. Бу касбни эгаллаган инсон беморларга меҳрибон, самимий, ўз ишининг устаси бўлмоғи, таъмагир бўлмаслиги лозим. Ана шу боис ҳам «Гап эгасини топсин» деган нақлга амал қилиб шифокорга Яратгандан инсоф тилаб шифохона манзилини ҳам кўрсатмадик.

## САБРНИНГ ТАГИ ОЛТИН

Кечки пайт уйда дам олиб ўтирсам, кўча дарвоза тақиллади.

— Кираверинг, эшик очиқ, — дедиму барибир меҳмонни кутиб олгани дарвозахонага бордим. Дарвоза олдида турган 25-30 ёшлардаги оқ сариқдан келган йигитни рости танимадим.

— Келинг, ўғлим, — ичкарига таклиф қилдим.

— Ассалому алайкум, Зийрак бобони излаб келаётгандим, —кўришиш учун қўл узатаркан, йигит шундай деди.

— Зийрак бобо мен бўламан. Хизмат, ўғлим.

— Маслаҳатингизга муҳтожман бобо.

Йигитни ҳовлига бошлаб кирдим.

— Ана энди дардингизни айтинг бўтам.

Йигит чуқур хўрсинди-да, гап бошлади.

— Оилада отам, онам, мен ва укам яшаймиз. Эсимни танибманки, дадам ичадилар. Етмай қолса менга ёки укамга «дўконга чиқиб кел» деб дўқ урадилар. Ичганлари ҳам майли, аммо онам билан уришиб қоладилар, баъзида волидамни дўппослайдилар. Мен эса отамга қаттиқ гапира олмайман, онамни ҳимоя қилишга чоғлансам, таёқ кўтариб мени ҳам қувлаб соладилар. Айтинг, бобожон, мен нима қилай? Ака-ука ҳали уйланганимиз ҳам йўқ. Отамнинг ароқхўрлигидан уяламиз.

— Қариндош-уруғлар, маҳалла оқсоқоллари дадангизни ўртага олишмадими? — сўрайман суҳбатдошимдан.

— Қизиғи, қариндошлар орасида ҳам энг ёши улуғи отам бўладилар. Жорий йилда 70 ёшга кирдилар. Маҳалла фаоллари эса кўп бора уйимизга келишган, дадам билан узоқ суҳбатлар қуришган,ароқнинг касофатини уқтиришган, фойдаси бўлмаган.

Ҳайрон қолдик. «Ақлсизнинг катта-кичиги бўлмайди», дегаплари шу бўлса керак. Йигитга сабрли бўлишини тилаб хайрлашдик. Ҳеч бир бандани ичкилик балосига гирифтор қилмасин, айниқса юз-кўздан нур ёғилиб турган отахонларни қариган чоғида йўлдан адаштирмасин, дея ният қилдик.

## «ТИЛСИЗ ЁВ» ЖИЛОВЛАНДИ, АММО...

Баъзида эшитиб қоламиз. «Фалончининг уйи ёниб кетибди». Дарҳақиқат, кўпинча ёзнинг жазирама кунларида ана шундай нохуш ҳодисаларга дуч келамиз. Очиғини айтиш керак, биз катталарнинг лоқайдлиги, эҳтиётсизлиги туфайли ёнғинлар келиб чиқади, уй-жой ёниб кул бўлгани ҳам майлия, айрим ҳолларда ҳамшаҳарларимиз олов билан юзма-юз қолиб жароҳат олишади, ҳалок бўлишади.

Куни кеча уйга меҳмонлар келиб қолди. Юз-кўзидан ғамгинлик ифодаси балқиб турган Обиджон гап бошлади.

— Биласиз, шаҳар чеккасида яшаганимиз боис, маҳалладошларимизнинг кўпчилиги сигир, бузоқ, қўй, товуқ боқишади. Шу боис ҳар кимнинг оғилхонасида доимо ем-хашак мўл бўлади. Аммо ўтган куни қўшним Валижоннинг бошига кулфат тушишига оз қолди. Пешин пайтида невараси оғилхонага кириб хашакка гугурт чақиб юборибди-да. Хайриятки, уй эгалари вақтида билиб қолишди. Йўқса, 3-4 ёшли норасида гўдакнинг хатоси туфайли Валижон уй-жойидан айрилармиди. Қўни-қўшни югуриб чиқдик, оғилхонасини амаллаб ўчирдик, «Шунисига ҳам шукур» дейди Валижон. Чунки уйлари, ошхонаси омон қолди-да.

Меҳмонлар билан алламаҳалгача Валижон хонадонида юз берган ёнғин сабабларини муҳокама қилдик, қурбонлар бўлмаганига ич-ичимиздан шукур қилдигу бир нарсага иқрор бўлдик. Телевизор, радио ёки газеталарда эълон қилинаётган кўрсатувлар, эшиттиришлару мақолаларда айтилганидек «тилсиз ёв»нинг баъзида хуруж қилишига, ёнғин сабабли бошимизга фалокатлар ёғилишига ўзимиз айбдормиз. Лоқайдлик қиламиз, уйда болаларни ёлғиз қолдирамиз. Электр, газдан фойдаланиш қоидаларига кўпам риоя қилавермаймиз. Халқимизда «Ўт балосидан, сув балосидан ўзи асрасин» деган нақл бор. Ана шу нақлни доимо ёдда тутсак бўлгани.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент Кичик Ҳалқа йўли (ТКҲЙ)нинг Бўзсув канали устидаги кўпригининг реконструкция қилиниши сабабли ёпилиши муносабати билан 2005 йил 8 августдан бошлаб № 10, 78, 85, 88, 112-автобуслар ҳамда № 20м йўналишли таксининг ҳаракат йўналишлари қисман ўзгартирилади ва қуйидаги тартибда**

**ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:**

— 10-автобус йўналиш ҳаракати ТКҲЙдан бошланиб, У.Юсупов, Зулфияхоним, Ш.Рашидов кўчалари орқали, яна ўзининг илгариги йўналиши бўйича икки тарафлама бориш усулида;

—78-автобус йўналиши ҳаракати гвардия полковниги Хўжаев кўчасидан бошланиб, У.Юсупов, Зулфияхоним, Хуршид кўчалари орқали яна ўзининг илгариги йўналиши бўйича икки тарафлама бориш усулида;

—85-автобус ва 20м-йўналишли такси йўналишлари ҳаракати ТКҲЙдан бошланиб, У.Юсупов, Зулфияхоним, Хуршид кўчалари орқали, яна ўзининг илгариги йўналиши бўйича.

— 88-автобус йўналиши ҳаракати ТКҲЙдан бошланиб, У.Юсупов, Зулфияхоним, Хуршид, Муртазоев кўчалари орқали, яна ўзининг илгариги йўналиши бўйича икки тарафлама бориш усулида;

— 112-автобус йўналиши ҳаракати З.Қобулов кўчасидан бошланиб, У.Юсупов, Зулфияхоним, Хуршид, Амир Темур кўчалари орқали, яна ўзининг илгариги йўналиши бўйича икки тарафлама бориш усулида.

**«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси.**



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди, Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-709. 1 2 3 4 6